

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, info@uzssgzt.uz • 2016 йил 8 январь • № 1 (1074)

2016 йил — соғлом она ва бола йили

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

“Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2015 йил 2 октябрда
қабул қилинган
Сенат томонидан 2015 йил 4 декабрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги 415-1 сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 4-5, 120-модда; 1999 йил, № 5, 124-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда; 2009 йил, № 9, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда) ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири тасдиқлансин (илова қилинади).

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

3-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2016 йил 4 январь,
№ ЎРҚ-399.

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида (янги таҳрири)

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади дори воситалари ва фармацевтика фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Дори воситалари ва фармацевтика
фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

(Давоми 4-бетда).

МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗ — ТИНЧЛИГИМИЗ, ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗ КАФОЛАТИ



Бу йил Ўзбекистон халқи миллий армиямиз ташкил этилганининг 24 йиллигини нишонлаш арафасида турибди. 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни барчамиз учун умумхалқ байрамидир.

(Давоми 2-бетда).

ЗАМОНАВИЙ ШИФО МАСКАНИ оналар ва болалар хизматида

Мана, барчамиз кириб келган янги 2016 йилнинг дастлабки ҳафтасида ўз меҳнат фаолиятимизни давом эттирмақдамиз. Барча меҳнат жамоаларида бўлгани каби тиббиёт бирлашмалари, кўп тармоқли марказий поликлиникалар, ихтисослаштирилган тиббий марказлар, клиник шифоналар, қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникаларда Президентимиз ташаббуси ва тақлифи билан эълон қилинган Соғлом она ва бола йили аъло кайфият билан кутиб олинди. Тарих зарварақларига битилажак яна бир йилга бундай ном берилиши даволаш муассасалари олди-га янада улкан вазифаларни қўйиши табиий.



Тошкент шаҳридаги энг намунали даволаш муассасаларидан бири бўлган 51-оилавий поликлиникада аҳоли репродуктив саломатлигини сақлаш, қамраб олинган ҳудудда тиббий мада-

ниятни юксалтириш, соғлом турмуш тарзи қоидаларига риоя қилиш масалаларига жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу ерда оналик ва болаликни (Давоми 2-бетда).

Таянчим ва суянчим, фахрим ва ифтихоримсан, муқаддас Ватан! МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗ — ТИНЧЛИГИМИЗ, ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗ КАФОЛАТИ

Инсоннинг нияти ўзига ҳамроҳ, ҳамма нарса ниятга яраша. “Яхши ният – ярим давлат”, деганлари шундан. Ҳар ишни бошлаганда ният холис бўлса, саъй-ҳаракат рисоладагидек кетаверади. Ҳар қандай ниятнинг ҳам ўз сабаби бор, албатта. Мен Иккинчи жаҳон уруши йилларида туғилиб, вояга етганим учун ёшлигимдан вужудимда жанговарлик, жасурлик, қатъиятлик хислатлари шаклланган, десам муболаға бўлмайди.

Тақдирни қарангки, 1961 йили тиббиёт институтини битириб, собиқ иттифоқ Мудофаа вазирининг буйруғига биноан, узоқ муддатли ҳарбий хизматга сафарбар этилдим ва ҳаётимнинг чорак асрдан зиёд вақти ҳарбий шифокор сифатида Ватанимдан оқсларда бўлди. Албатта шу даврларда она юрт, маҳалла-қўй, қариндош-уруғ, яқин дўст-қадрдонлар, ўзбекона тўй-ҳашамлар, миллий урф-одатларимиз соғинчи билан яшадим.

Дарҳақиқат, истиқлолимиздан олдинги ўтмишимизни эслар эканмиз, ҳеч иккиланмасдан Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши, миллий армиямизнинг ташкил этилишидек тарихий жараёнлар бири бири билан узвий боғлиқ ва муштарак эканлиги дилда завқашавқ, фахр, ифтихор ҳис-туйғуларини уйғотади. Табиийки, ниҳоятда сермашаққат йиллар ва йўллар ўзидан бир умр унутилмас хотиралар қолдирди. Ҳозиргача баҳолиқудрат ишлаб, ёшларга ҳаётий тажрибам ва билимимни ўргатиш, қўлимга қалам олиб, ҳарбий-ватанпарварлик мавзусида “Кўрган-

(Давоми. Боши 1-бетда).

кечирганларим” номли хотираларим, шунингдек, “Ўзбекистон посбонларимиз!”, “Ассалом, она юрт, қутлуғ Армиям”, “Ватанга қасамёд” деб аталмиш сафларда жўровозликда ижро этиладиган жанговарлик руҳидаги кўшиқ ва шеърларимни нашрга тайёрладим. Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, Ватанимиз мудофаа қобилияти ва салоҳиятини янада ошириш, ёшларимизни элсеварлик, мардлик, жасурлик, бурчга садоқат, фидойилик руҳида тарбиялашга камтарона ҳисса қўшиб келмоқдаман. Ўзимни ҳамон жанговар сафдагидек ҳис қиламан. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда Куролли Кучларимизда изчиллик билан ўтказилаётган ислохотлар, оламшумул ўзгаришларга бефарқ эмасман. Чунки бу менинг миллий армиям, мустақиллигимиз меваси, унинг мард, фидойи, баҳодир посбони ва қалқони! У энди мустақил Ўзбекистоннинг кўп миллатли аҳолиси, худуди ва сарҳадларини турли офатлардан асрайди. Буюк истиқлол шарофати билан ҳар бир ҳарбий хизматчи ўзи туғилиб ўсган Ватанида, миллий армиясида яйраб-яшнаб хизмат қилаётганидан бениҳоя фахрланаман. Қани энди, қайта туғилсам-у, йигитлик бурчимни ўз Ватанимда адо этсам, халқимиз тинчлиги, осойишталиги, чегараларимиз дахлсизлигини кўз қорачигидек асрасам, дейман.

Очигини айтсам, бугунги кунда Куролли Кучларимиз сафида мардонавор хизмат қилаётган фарзандларимга ҳавасим келади. Сабаби, аскарларнинг ҳарбий қисмда юксак жисмоний, ақлий, интеллектуал салоҳиятни эгаллашаётгани, йигитлик бурчини намунали ўтаган ўғилларимизнинг ўқиш ёки ишга киришда кўплаб

имтиёзларга эга бўлишаётгани, ҳарбийларга имтиёзли кредитлар берилаётгани, юртимизнинг турли минтақаларида уларнинг оилалари учун қулай ва шинам уй-жойлар, маданий-маиший, спорт ва тиббий иншоотлар қурилиб, фойдаланишга топширилаётгани, умуман, Юртбошимиз раҳнамолигида қилинаётган оталарча ғамхўрлик чексиздир.

Демоқчиманки, ўтган тарихан қисқа давр мобайнида ҳаётга татбиқ этилган кенг кўламли изчил ислохотлар, ҳарбийларга оид бир қатор қонунларнинг такомиллашуви туфайли мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётига қарши қаратилган ҳар қандай ғаразли уринишларнинг олдини олишга қодир ихчам, тезкор, замонавий қурол-яроғ, техника билан таъминланган, жанговар қобилият, юксак тайёргарликка эга профессионал миллий армиямиз шаклланди. Куролли Кучларимизни ташкил этиш ва бошқаришнинг мутлақо янги тизими вужудга келди, улар сафини тўлдириш такомиллаштирилди. Натижада армиямизнинг салоҳияти, қиёфаси тубдан ўзгарди. Ёшлар ўртасида ҳарбий хизматнинг обрў-эътибори, нуфузи ошди, армияда хизмат қилиш том маънода шон-шараф ишига айланди. Бундан қувонмай, фахрланмай бўладими?

Шундай экан, ҳаётимизга янги маъно, мазмун бахш этган бу бебаҳо неъматнинг қадрига етиш, уни асраб-авайлаш ҳар биримизнинг инсонийлик бурчимиздир. Дунёнинг турли минтақаларида давом этаётган ноҳушликлар, ҳарбий қарама-қаршилик, можаролар, терроризм, экстремизм, наркотрафик каби

иллатлар биздан доимо ҳушёр ва огоҳ бўлишни талаб этади. Муаммонинг муҳим бир жиҳати эътиборга лойиқдир.

2012 йилда Президентимиз ташаббуси билан “Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолияти Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимиз ташқи сиёсат стратегиясини узоқ йилларга белгилаб берди. Мазкур ҳужжатда Ўзбекистон мамлакатимиз ташқи сиёсатида узоқ муддатли миллий манфаатларни инобатга олган ҳолда, турли ҳарбий-сиёсий блок ва альянсларга қўшилмаслиги, ўзининг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш бўйича қатъий позицияга эга бўлиши ва ўз ҳудудида хорижий давлатларнинг ҳарбий базаларини жойлаштиришга йўл қўймаслиги ҳақида, очик, изчил ва фаол ташқи сиёсат олиб бориши ҳақидаги принциплар аниқ-равшан баён этилган. Ўзбекистон мафқуравий таъминот сабабли рўй бераётган турли тўқнашувларга ўз армиясининг жалб этилиши ҳамда кўшни давлатлар ва ҳудудлар билан чегаралардаги қуролли можаролар ва кескинлик ўчоқларида мамлакатимизнинг иштирок этишига йўл қўймайди. Мамлакатимиз яхши қўшничилик ҳамда юзага келадиган низоларни фақатгина тинч йўл билан бартараф этишнинг қатъий тарафдоридир.

Буни мамлакатимиз мустақиллигининг 24 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтган тантанада сўзлаган нутқидан Президентимиз яна бир бор таъкидлади: “Бундай ўта таҳликали вазиятда бизнинг олиб бораётган сиёсатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низо-

мида, халқаро қонун ва нормаларда муҳрлаб қўйилган асосий принципларга риоя қилиш, юзага келадиган қарама-қаршилик ва низоларни зўравонлик билан эмас, фақатгина тинч ва сиёсий йўл билан ҳал этишни, бугунги кунда дунёнинг турли ҳудудларида давом этаётган уруш ва қон тўкиш ҳолатларини сўзсиз тўхтатишни назарда тутати.

Яна ва яна бир бор айтиб ўтишни зарур деб биламан: Ўзбекистон ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блокка қўшилмайди, ўз ҳудудида чет эл ҳарбий базаларининг жойлаштирилишига, ҳарбий хизматчиларимизнинг мамлакатимиз ташқарисида бўлишига мутлақо йўл қўймайди. Ўзбекистон давлатларнинг қонуни даражасига кўтарилган бу таъминотларни, айти шундай чуқур ўйланган йўлни, шундай сиёсатни биз учун энг тўғри, энг маъқул деб биламиз ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз.

Илгари ҳам айтганман – бизга, халқимизга тинчлик ва омонлик керак. Бу – ўзбек халқининг истаги, бу – ўзбек халқининг мақсади, бу – ўзбек халқининг қароридир”.

Гапнинг сирасини айтганда, миллий армиямиз мустақиллигимиз таянчи, суянчи, фахримиз ва ифтихоримиз экан, Ватанимиз тинч ва осойишта, осмонимиз мусаффо бўлишига ишончимиз комил. Зеро, Ўзбекистон Куролли Кучлари юртимизнинг ёрқин келажаги, халқимиз фаровонлигининг ишончли кафолатидир!

Искандар РАҲМОН,
Ўзбекистон
журналистлари уюшмаси
аъзоси, Куролли Кучлар
фахрийси.

ЗАМОНАВИЙ ШИФО МАСКАНИ оналар ва болалар хизматида



муҳофаза қилиш, туғиш ёшидаги аёллар ўртасида соғлом болани дунёга келтириш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!” шиори остида ўтказилаётган саломатлик ҳафталикларини уюшқоқлик билан ўтказиш жараёни намунали ташкил этилмоқда.

Юнусобод туман тиббиёт бирлашмасига қарашли ушбу поликлиника мавжуд 10 та маҳаллада истиқомат қилувчи 33760 нафар аҳолига тиббий

(Давоми. Боши 1-бетда).

хизмат кўрсатиб келмоқда. Шундан катта ёшдаги аҳоли 21840, туғиш ёшидаги аёллар 7771, 14 ёшгача бўлган бола 12164, ўсмирлар 2146 (шундан 1247 нафари қиз) нафар бўлиб, умумий амалиёт шифокорлари томонидан белгиланган кун ва соатларда уларга тиббий хизмат кўрсатилмоқда. Мавжуд аҳоли 9281 та хонадонга бириккан бўлиб, санаб ўтилган аҳоли ўртасида ижтимоий ҳимояга муҳтож, имконияти чекланган, боқувчисини йўқотган, ёлғиз қариялар маълум фоиизни ташкил этади. Улар қонун ҳужжат-

ларида белгилаб қўйилган ғамхўрлик ва имтиёزلардан баҳраманд. Шунингдек, оилавий поликлиника тасарруфида 5 та мактабгача таълим муассасаси, 4 та умумтаълим мактаби, 1 та коллеж бўлиб, болалар ва ўсмирлар вақти-вақти билан тиббий кўриқдан ўтказиб турилади.

– Поликлиникамиз ҳафтанинг олти куну мобайнида узлуксиз ишлайди, – дейди ушбу муассаса бош шифокори, олий тоифали соғлиқни сақлаш тизими ташкилотчиси **Гўзал Қодирова**. – Ички ва ташқи томони бутунлай янгиланган муассасамизнинг Инвестиция дастури бўйича фойдаланишга топширилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Яратилган имконият поликлиникамиз шифокорлар жамоасини бир ёқадан бош чиқариб ишлашга ундамоқда. 18 нафар умумий амалиёт шифокоримиз ва 10 га яқин тор доирадаги мутахассис, 38 нафар ўрта тиббиёт ходимининг ҳар бири ўз зиммасига юклатилган вазифани аъло даражада бажаришга ҳаракат қилади. Поликлиникага зарурат юзасидан кириб келган ҳар бир кишини очик чеҳралик билан кутиб олиш, уни безовта қилаётган касаллик турини аниқлаш, имкон қадар табиий имкониятлардан фойдаланган ҳолда даволаш, ташхис қўйишда му-



аммо туғилаётган бўлса, уни ихтисослаштирилган марказга юбориш доимий диққат-эътиборимиздаги масаладир. Айниқса, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришнинг тиббий жиҳатларига масъуллик билан қараш асосий йўналишларимиздан биридир.

Дарҳақиқат, Юнусобод туманидаги мавжуд 9 та оилавий поликлиника орасида бу жамоанинг ақсарият кўрсаткичлар бўйича оқори ўринда туриши бош шифокорнинг фикрини тасдиқлайди. Давлат миқёсида

қўйилаётган устувор вазифалар юзасидан поликлиника ички тартиб-қоидасини ўрнатиш, ижроси устидан назорат ўрнатиш ҳар бир умумий амалиёт шифокори ва ўрта тиббиёт ходимини виждонан ишлашга даъват этади. Бош шифокор таъкидлаб ўтганидек, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, фертил ёшдаги аёллар ўртасида репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, дунёга келган ва туғилаётган фарзандларнинг ўрт мучаси соғ бўлиши учун елиб-югуриш

(Давоми 3-бетда).

ЗАМОНАВИЙ ШИФО МАСКАНИ

оналар ва болалар хизматида

талаб қилинади. Тор доирадаги мутахассисда тажриба, малака, синчковлик, етти ўлчаб бир кесиш маҳорати шакланган бўлса, оналик ва болаликни муҳофаза қилишда ҳеч қандай муаммога ўрин йўқ.

Гулнора НАМЗООВА,
гинеколог:

– Биз шифокорлар туман, шаҳар ва республика миқёсидаги йиғилишларда иштирок этамиз. Кун тартибига қўйила-

н учун худудимиздаги 3-туғруқхона маъмуриятига бу ҳақда маълум қиламиз. Фарзанд кутаётган онанинг қўлига алмаштирув анкетаси берилади. Туғруқхонада унга зудлик билан зарурий тиббий ёрдам кўрсатилади.

Иссиқ жоннинг иситмаси бор. Нимадир безовта қилган киши шифокор хузурига шошади. Поликлениканинг 18 нафар умумий амалиёт шифокори ҳар куни кўп-лаб беморларни қабул қилар

ланинг тана ҳарорати юқори бўлмаса, имкон қадар оналарга уй шароитида қўллаш мумкин бўлган безарар муолажа хилларини буюрамиз. Масалан, наъматак дамламасини бериш, исирик тутатиш, болани очик ҳавода сайр қилдириш, кўпроқ суюқлик ичириш керак. Агар боланинг тана ҳарорати юқори бўлиб, ҳаддан ташқари безовта бўлаверса, унинг аҳволини енгиллаштирадиган антибиотикдан укол қилиш бўйича рецепт ёзиб берамиз.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти экспертлари томонидан ўтказилган тадқиқотларда касаллик билан курашишда табиий имкониятларнинг безарарлиги ва ҳавфсизлиги тан олинмоқда. Ёшидан қатъи назар, бирор касалликка чалинган киши организмни кучли антибиотикларга “ўргатиш” салбий оқибатларга олиб келар экан. Шунинг учун замонавий тиббиётда беморнинг аҳволини енгиллатиш мумкин бўлган безарар, ҳавфсиз ва самарали муолажа усуллари тақлиф қилинмоқда. Айниқса, ўсиб келаётган фарзандларимизнинг иммунитетини кучайтиришда нархи жуда қиммат турадиган препаратлардан эмас, балки

этиёжга яраша тайёрлаб, мижозларимизга тарқатишда яхшигина тажриба тўпладик. Қуруқ дамламани сақлаш, фойдаланиладиган идишларни зарарсизлантирган ҳолда ишлатиш қоидаларига фитобаримиз ходимлари тўлиқ риоя қилишади. Музлаткичимиз бор, тиббий асбоб-ускуналар етарли.

Поликлиникада амалга оширилаётган эзгу саъй-ҳаракатлардан бири даволаш хусусиятига

лиги ортиб, жамоада барқарор муҳит ҳукм суради. Хизмат кўрсатиш сифатини оширишда, умумий амалиёт шифокорлари ва ҳамшираларнинг иш жараёнини енгиллаштиришда замонавий технологиялардан фойдаланиш ҳар жиҳатдан ўзини оқлайди. “Саломатлик-3” лойиҳаси томонидан 51-оилавий поликлиникага сўнгги йилларда музлаткича ва унинг сумкалари, автоклав, керакли



ётган асосий масалалардан битаси ҳамisha оналик ва болаликни муҳофаза қилишдир. Шуниси қувонарлики, соғлиқни сақлаш соҳасида олиб борилаётган ислохотлар натижасида фарзанд кўрадиган ёшдаги аёлларнинг тиббий саводхонлиги ошмоқда. Поликленикамизга тегишли худудлар бўйича ҳисобга олинган 305 нафар ҳомиладор аёлнинг белгиланган вақтда тиббий кўриқдан ўтиб туриши, ўз овқатлаши рационини тўғри белгилаши, безовта қилаётган муаммолар юзасидан биз шифокорлар билан бамавсаҳат иш туриши шундан далолат бера-

экан, ўзаро муносабатда хушмуомала бўлиб, уларга тиббий маслаҳат берадилар, уй шароитида қўллаш мумкин бўлган даволаш усулларини тавсия этадилар.

Наргиза САЛИМОВА,
умумий амалиёт шифокори:

– Кейинги йилларда экологик муаммоларнинг вужудга келиши,



эга бўлган жисмоний тарбия машқларининг йўлга қўйилганидир. Даволаш гимнастикаси хонасида велоэргометр, электр югуриш йўлаги, копток, турник, ҳалқа ва бошқа воситалар мавжуд. Бу ерда белгиланган график бўйича алоҳида гуруҳлар жисмоний тарбия инструктори Наргиза Файзуллаева бошчилигида шу-

тиббий ускуналар берилди. Яқин кунларда замонавий рентген аппаратини келтириш мўлжалланмоқда. Бундан ташқари, ультратовуш, дарсенваль, тубус, кварц, лазер, электросон, амплипульс, ЭКГ аппаратларидан касалликни аниқлаш ва даволашда унумли фойдаланиляпти.

– 2015 йилда “Саломатлик-3” лойиҳаси доирасида поликлиникамизга умумий амалиёт шифокорининг иш жараёнида асқотадиган энг зарурий анжомлардан иборат тиббиёт сумкаси берилди. Барча шифокорларимизга 7 та буюмдан иборат ана шу сумкани танта-



ди. Бундан ташқари, улар туғруқ орасидаги интервални тўғри белгилашмоқда. Туғруқдан кейинги даврда чақалоқ парварлишида патронаж ҳамшираси хизматидан унумли фойдаланиш, ўз организмни тиклаб олишда нималарга аҳамият бериш борасида ёш оналаримизга кўрсатма бериб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Биздан талаб қилнадигани эса – аёлда ҳомиладорлик жараёни бошландими, уни ҳисобга олиш, 16-17 ҳафталикда онани скрининг марказига юбориш, ундан ҳар ойда қон ва сийдик таҳлилини олиш, ҳомила ривожланишига қўйиладиган барча талаблар бўйича онанинг умумий аҳволини кузатиб боришдир. Ой-кунни яқин қолган дамда эса биз унинг эсон-омон кўзи ёриши

турмуш тарзининг нотўғри белгиланиши, транспорт воситалари кўпайиб, жисмоний ҳаракатнинг камайиши, зарарли оқибатларга ружу қўйилиши натижасида турли касалликлар кўпаяётгани биз шифокорларнинг ўз хизмат вазифамизга нисбатан масъулиятли, сезгир бўлишга ундайди. Мен худудимизнинг 8-участкасига бириктирилганман. 1408 нафар аҳоли саломатлигини қабул қиламан. Улар орасида 1 ёшгача бўлган фарзанди бор 15 нафар ёш оналар ҳам бўлиши мумкин. Уч ёшгача бўлган даврда бола иммунитетини жуда заиф бўлиб, у касаллик билан курашишга қийналади. Ҳозир қиш мавсуми. 1-3 ёшгача бўлган кичкинтойларимизда шамоллаш кўпроқ кузатилмоқда. Агар бо-

организмни толиқтирмайдиган, аксинча зарарланган аъзони тиклашга кўмаклашишда безарар дамламаларни тавсия қилиш бўйича 51-оилавий поликлиникада қўлланилаётган тажриба таҳсинга сазовордир. Тўғри, аксарият поликлиникаларда фитобар ташкил қилинган ва бу аҳолига хизмат кўрсатишнинг бир тури ҳисобланади. Аммо мазкур даволаш муассасасида барча келиб-кетувчиларга беминнат хизмат кўрсатаётган фитобар туфайли бир йилда бюджет маблағидан ташқари қўшимча даромад ишлаб топилаётгани қувонарлидир.

Шахло РАЗЗОКОВА,
фитобар ҳамшираси:

– Касалликни даволашда отабобларимиз синовидан ўтган асрий усуллардан бири шифобахш дамламалардан фойдаланишдир. Дорихона ва бозор расталарида бундай дамламаларнинг хили жуда кўп. “Раъночой” масъулияти чекланган жамияти мутахассислари томонидан қадоқланган ҳолда тайёрланувчи наъматак, мойчечак, шивит каби шифобахш бута ва гиёҳларни пул ўтказиш йўли билан харид қиламиз. Дамламаларни санитария-гигиена талаблари бўйича тайёрлаб, келиб-кетувчиларга тавсия қиламиз. Нархи арзон шифобахш дамламани уйда тайёрлаш бўйича маслаҳат сўрайдиган уй бекаларига қандай дамлаш юзасидан кўрсатма бериб борамиз. Асаб касалликларида, аллергия кўзгалишларни бартараф этишда, кислород етишмовчилигининг ўрнини тўлдиришда самара берадиган дамламаларни



гулланадилар. Хусусан, нафас йўллари оғриганлар, ортопедик нуқсонли бўлганлар, ортиқча вазндан қийналаётганлар мутахассис шифокор тавсиясига биноан, ижобий натижа берадиган машқларни бажариб боришади.

Қайси даволаш масканида моддий-техник база мустаҳкам бўлса, бу жойда иш унумдор-

нали равишда топширдик. Унда тонометр, фонендоскоп, стетоскоп, бўй ўлчагич, тарози, термометр, бола учун халта, юрак уришини ўлчайдиган асбоб-ускуналар бор. Хоҳ иш жараёнида бўлсин, хоҳ қайсидир хонадонга борсин, бу сумка шифокорнинг асосий ҳамроҳига айланади, – дейди бош шифокор **Гўзал Қодирова**.

Она билан бола бир-бирига талпинадиган икки вужуддир. Уларнинг ҳар иккиси соғлом бўлсагина, мамлакат ривожланади. Чунки жисмонан ва руҳан соғлом вояга етаётган фарзанд жамиятимиз ҳаётида кечадиган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг фаол иштирокчисига айланади, ўз истеъдоди ва малакасини жамият ривожига сарфлайди. Бинобарин, муайян бир худуд аҳолисига намунали тиббий хизмат кўрсатиб келаётган 51-оилавий поликлиника шифокорлар жамоасининг Соғлом она ва бола йилида амалга оширадиган эзгу ишлари жонажон **Ўзбекистонимиз равнақи яна юксалишида ўзининг юқори натижаларини бериши шубҳасиздир.**

Хулкар КУЗМЕТОВА.
Суратлар муаллифи **Ибодат СОАТОВА.**

(Давоми.
Боши 1-2-бетларда).

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИДори воситалари ва фармацевтика
фаолияти тўғрисида
(янги таҳрири)**3-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади: **дори воситалари** – касалликлар профилактикаси, уларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш, шунингдек одам организмнинг ҳолати ва функцияларини ўзгартириш учун тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори моддалари (субстанциялар) ва ёрдамчи моддалар асосида олинган воситалар, дори моддалари (субстанциялар), дори препаратлари;

дори моддалари (субстанциялар) – фармацевтик, иммунологик ёки метаболик фаолликка эга бўлган ёхуд ташхис қўйиш мақсади учун фойдаланиладиган, тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган, келиб чиқиши табиий ёки синтетик моддалар;

дори препаратлари – дозаланган, идишга жойланган ўралган, қўлланилиш учун тайёр дори воситалари;

доривор ўсимлик хом ашёси – дори воситаларини ишлаб чиқариш ва тайёрлаш учун фойдаланиладиган, таркибда биологик фаол моддалар бўлган ўсимликлар ёки уларнинг қисмлари;

рецепт – шифокорнинг фармацевтик маълумотга эга бўлган мутахассисга дори препаратини тайёрлаш ва (ёки) бериш ҳамда унинг қўлланилиш усули тўғрисидаги ёзма кўрсатмаси;

сифатсиз дори воситаси ва тиббий буюм – яроқсиз ҳалга келган ва (ёки) яроқсизлик муддати ўтган дори воситаси ва тиббий буюм;

тиббий буюмлар – касалликлар профилактикаси, уларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш учун, шунингдек одам организмнинг ҳолати ва функцияларини ўзгартириш учун тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган буюмлар;

тиббий техника – касалликлар профилактикаси, уларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш учун, шунингдек одам организмнинг ҳолати ва функцияларини аниқлаш ҳамда ўзгартириш учун тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган аппаратлар, ускуналар, приборлар, асбоблар, қурилмалар ва мажмуалар;

фармакологик воситалар – муайян дори шаклига, клиник олди тадқиқотларда аниқланган фармакологик фаолликка ва хавфсизликка эга бўлган, клиник тадқиқот объектлари бўлган модда ёки моддалар аралашмаси;

фармацевтика фаолияти – дори воситалари ва тиббий буюмлар яратиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини, шунингдек уларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, уларнинг си-

(Давоми. Боши 1-бетда).

фатини назорат қилиш ҳамда уларни реализация қилишни қамраб оладиган фаолият;

Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган дори воситаларининг гайриқонуний нусхалари – интеллектуал мулк тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган ҳолда муомалага киритилган дори воситалари;

қалбакилаштирилган дори воситаси ва тиббий буюм – таркиби ёки хусусияти тўғрисида ёхуд ишлаб чиқарувчиси ҳақида ёлғон ахборот илова қилинган дори воситаси ва тиббий буюм.

4-модда. Давлатнинг аҳолини асосий дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш соҳасидаги қафолатлари

Давлат асосий дори воситалари, шунингдек тиббий буюмлар олиниши имкониятини ва уларнинг сифатини қафолатлайди.

2-боб. Давлат органларининг дори воситалари ва фармацевтика фаолияти соҳасидаги ваколатлари**5-модда. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг дори воситалари ва фармацевтика фаолияти соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

дори воситалари ва фармацевтика фаолияти соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

дори воситалари ва фармацевтика фаолияти соҳасидаги давлат дастурларини тасдиқлайди ҳамда уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга оширади;

давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг дори воситалари ҳамда фармацевтика фаолияти мувофиқлаштириб боради;

дори воситаларини, тиббий буюмларни ва тиббий техникани давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг Соғлиқни сақлаш вазирлигининг дори воситалари ва фармацевтика фаолияти соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

дори воситалари ва фармацевтика фаолияти соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

Асосий дори воситалари рўйхатидаги дори воситаларининг, шунингдек тиббий буюмларнинг давлат буюртмасини

шакллантиради ва уларнинг давлат тиббиёт муассасаларида мавжуд бўлиши устидан назоратни таъминлайди;

фармацевтика фаолиятини лицензиялашни белгиланган тартибда амалга оширади;

айрим тоифадаги шахсларга дори воситаларининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда имтиёзли берилишини таъминлайди;

дори воситалари ва тиббий буюмлар соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни тасдиқлайди;

Давлат фармакопеясини тасдиқлайди ва чоп этади;

дори воситаларининг, тиббий буюмларнинг ва тиббий техниканинг белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини, сифати назорат қилинишини, стандартлаштирилишини ва сертификатлаштирилишини амалга оширади;

тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни реализация қилиш, бериш, тақсимлаш, сақлаш ҳамда ҳисобга олиш тартибини, шунингдек этил спиртини реализация қилиш, бериш, сақлаш ва ҳисобга олиш тартибини белгилайди;

Тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника давлат реестрини юритади ҳамда вақти-вақти билан эълон қилади;

дори воситалари ва тиббий буюмларнинг зарарли таъсирини тасдиқловчи фактлар мавжуд бўлган тақдирда уларнинг ишлаб чиқарилишини, тайёрланишини, импорт қилинишини, реализация қилинишини тўхтатиб туради. Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини тўхтатиб туришга олиб келадиган дори воситаларининг, тиббий буюмларнинг ишлаб чиқарилишини ва тайёрланишини тўхтатиб туриш (фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва соғлиғи учун бошқа ҳақиқий таҳдид юзага келишининг олдини олиш муносабати билан дори воситалари ва тиббий буюмлар ишлаб чиқарилишини ҳамда тайёрланишини ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш ҳоллари бундан мустасно) суд тартибда амалга оширилади;

фармакологик назоратни амалга оширади;

кам учрайдиган касалликларни даволаш учун мўлжалланган Орфан дори воситалари рўйхатини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

Рецептсиз бериладиган дори воситалари рўйхатини йилга камида бир марта тасдиқлайди;

Асосий дори воситалари рўйхатини икки йилда камида бир марта ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

Тиббий буюмлар рўйхатини тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

7-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг дори воситалари ва фармацевтика фаолияти соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

дори воситалари ва фармацевтика фаолияти соҳасидаги давлат дастурларини амалга оширишда иштирок этади;

дори воситалари ва фармацевтика фаолияти соҳасидаги ҳудудий дастурларни тасдиқлайди ҳамда амалга оширади;

тегишли ҳудудда давлат даволаш-профилактика муассасаларини ва аҳолини дори воситалари, тиббий буюмлар билан таъминлашда иштирок этади;

дори воситалари муомаласи ва фармацевтика фаолияти масалалари бўйича аҳоли ўртасида ахборот-тушунтириш ишларини ташкил этиш ҳамда ўтказишда иштирок этади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

3-боб. Дори воситалари. Тиббий буюмлар. Тиббий техника**8-модда. Давлат фармакопеяси**

Давлат фармакопеяси дори воситаларига ва тиббий буюмларга доир талабларни, умумий фармакопея мақолаларини, фармакопея мақолаларини, дори воситаларининг ва тиббий буюмларнинг сифатини назорат қилиш усулларини ўз ичига олган ҳужжатлар тўплами бўлган расмий нашрдир.

Умумий фармакопея мақоласи дори воситаларининг, тиббий буюмларнинг сифатига, доривор ўсимлик хом ашёсига, уларнинг сифатини назорат қилиш усулларига, дори воситаларининг сифатини назорат қилишда фойдаланиладиган стандарт намуналарга, реактивларга, дори воситаларини ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган жойлаш-ўраш материалларига қўйиладиган умумий талабларни белгилайди.

Фармакопея мақоласи муайян дори воситасининг, тиббий буюмнинг, доривор ўсимлик хом ашёсининг, ёрдамчи модданинг сифатига доир талабларни белгилайди.

Умумий фармакопея мақолаларини, фармакопея мақолаларини ишлаб чиқиш ва уларни Давлат фармакопеясига киритиш Фармакопея қўмитаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади. Фармакопея қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг расмий эксперт органидир.

Давлат фармакопеяси Ўзбеки-

стон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан беш йилда камида бир марта чоп этилади. Давлат фармакопеясининг қайта нашрлари оралигидаги даврда Давлат фармакопеясига иловалар чоп этилади.

9-модда. Фармакологик воситаларнинг ёки дори воситаларининг ёхуд тиббий буюмларнинг клиник олди тадқиқотлари

Фармакологик воситаларнинг ёки дори воситаларининг клиник олди тадқиқотлари фармакологик воситаларнинг ёки дори воситаларининг хавфсизлиги ва самарадорлигини ўрганиш мақсадидаги кимёвий, физик, биологик, микробиологик, фармакологик, токсикологик тадқиқотларни ҳамда бошқа тадқиқотларни назарда тутди.

Тиббий буюмларнинг клиник олди тадқиқотлари тиббий буюмларнинг хавфсизлигини ўрганиш мақсадидаги кимёвий, физик, техник, биологик, микробиологик, токсикологик тадқиқотларни ва бошқа тадқиқотларни назарда тутди.

Фармакологик воситаларнинг ёки дори воситаларининг ёхуд тиббий буюмларнинг клиник олди тадқиқотларини ташкил этиш ва ўтказиш уларни ишлаб чиқувчилар ва ишлаб чиқарувчилар томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади ҳамда зарур моддий-техника базасига ва тадқиқотнинг тегишли соҳаси бўйича малакали мутахассисларга эга бўлган илмий-тадқиқот муассасаларида, дори воситаларининг сифатини назорат қилиш билан шуғулланувчи ташкилотларда, олий таълим муассасаларида ҳамда бошқа ташкилотларда ўтказилиши мумкин.

10-модда. Фармакологик воситаларнинг ёки дори воситаларининг клиник тадқиқотлари

Фармакологик воситаларнинг ёки дори воситаларининг клиник тадқиқотлари хавфсизлик ва самарадорликни аниқлаш мақсадида уларнинг фармакологик хоссаларини, ножўя таъсирлари ва бошқа дори воситалари билан ўзаро таъсири самараси тўғрисидаги маълумотларни ўрганиш учун ўтказилади.

Фармакологик воситаларнинг ёки дори воситаларининг клиник тадқиқотлари битта даволаш-профилактика муассасасида ёки кўп марказли клиник тадқиқот тарзида ягона баённома бўйича биттадан ортиқ даволаш-профилактика муассасасида ўтказилиши мумкин.

Одамда фармакологик воситаларнинг ёки дори воситаларининг клиник тадқиқотларини ўтказиш тўғрисидаги қарор

(Давоми 5-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИДори воситалари ва фармацевтика
фаолияти тўғрисида
(янги таҳрири)

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан қабул қилинади.

Фармакологик воситаларнинг ёки дори воситаларининг клиник тадқиқотларини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун куйидагилар асос бўлади:

Фармакологик воситаларнинг ёки дори воситаларининг хавфсизлиги ва самарадорлигини тасдиқловчи клиник олди тадқиқотлар натижалари;

Фармакологик воситаларнинг ёки дори воситаларининг қўлланилишидан эҳтимол тутилган ножўя таъсир хавфи кутилаётган ижобий таъсирдан анча паст бўлиши тўғрисидаги маълумотлар.

Фармакологик воситаларнинг ёки дори воситаларининг клиник тадқиқотларини ўтказишга этика экспертизасининг мазкур тадқиқотларни ўтказиш этика жиҳатидан асосланганлиги тўғрисидаги хулосасисиз йўл кўйилмайди.

Фармакологик воситаларнинг ёки дори воситаларининг клиник тадқиқотида беморнинг иштироки унинг ёзма равишдаги розилиги билан ихтиёрий асосда амалга оширилади. Клиник тадқиқот раҳбари беморга ушбу тадқиқот усулининг аҳамияти, тадқиқотнинг моҳияти ва эҳтимол тутилган хавфи ҳақида батафсил тушунтириш бериши шарт. Бемор тадқиқотнинг ис-талган босқичида унда иштирок этишни рад қилишга ҳақли.

Фармакологик воситаларнинг ёки дори воситаларининг клиник тадқиқоти вояга етмаган ёки муомалага лаёқатсиз бемор иштирокида ўтказилган тақдирда тадқиқот бошланишидан олдин унинг ота-онасидан ёхуд бошқа қонуний вакиллари-дан ёзма равишда розилик олиниши керак.

Вояга етмаган беморлар иштирокидаги клиник тадқиқотдан олдин, қоида тариқасида, вояга етган беморларда клиник тадқиқот ўтказилган бўлиши керак.

Фармакологик воситаларнинг ёки дори воситаларининг клиник тадқиқоти бошланишидан олдин тадқиқотни ўтказиётган даволаш-профилактика муассасаси ёхуд тадқиқ этилаётган фармакологик воситани ёки дори воситасини тақдим этган юридик шахс беморнинг ҳаётига, соғлиғига зарар етказганлик учун фуқаролик жавобгарлигига доир суғурта шартномасини суғурталовчи билан тузиши шарт.

Жамият учун ёхуд фармакологик воситаларнинг ёки дори воситаларининг клиник тадқиқотида иштирок этаётган беморнинг ҳаёти, соғлиғи учун таҳдид пайдо бўлган тақдирда клиник тадқиқот раҳбари клиник тадқиқотни тўхтатиши ва бу ҳақда тадқиқотни давом эттириш ёки тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилувчи Ўзбеки-

стон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигини ёзма шаклда хабардор қилиши керак.

Фармакологик воситаларнинг ёки дори воситаларининг клиник тадқиқотларини молиялаштириш тадқиқ этилаётган фармакологик воситаларни ёки дори воситаларини тақдим этган юридик шахсларнинг маблағлари ҳисобидан ёхуд қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Фармакологик воситаларнинг ёки дори воситаларининг клиник тадқиқотларини ўтказиш тартиби ва клиник тадқиқотлар ўтказилган даволаш-профилактика муассасаларининг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади.

11-модда. Этика экспертизаси

Этика экспертизаси фармакологик воситаларнинг ёки дори воситаларининг клиник тадқиқотларини ўтказишнинг этика жиҳатидан асосланганлиги тўғрисида хулоса бериш мақсадида ўтказилади.

Этика экспертизаси жамоатчилик асосида фаолият юритувчи Этика қўмитаси томонидан ўтказилади, унинг таркибига тиббиёт, илмий-тадқиқот ташкилотларининг, олий таълим муассасаларининг, оммавий ахборот воситаларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг вакиллари киритилади.

Этика қўмитаси тўғрисидаги низом ва унинг таркиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади.

12-модда. Дори воситаларини, тиббий буюмларни ва тиббий техникани давлат рўйхатидан ўтказиш

Дори воситаларининг, тиббий буюмларнинг ва тиббий техниканинг тиббиёт амалиётида қўлланилишига, қоида тариқасида, улар давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин рухсат этилади.

Куйидагилар давлат рўйхатидан ўтказилиши керак:

дори воситалари;
Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган дори воситаларининг янги комбинациялари;

илгари Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган, лекин бошқача дори шаклларида, дозаларда ёки бошқа ишлаб чиқарувчи томонидан ишлаб чиқарилган дори воситалари;

тиббий буюмлар;
тиббий техника.

Дори воситаларини, тиббий буюмларни ва тиббий техникани давлат рўйхатидан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Рўйхатдан ўтказилган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника Тиббиёт амалиё-

тида қўлланилишига рухсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника давлат реестрига киритилади.

Таркибидан турли дори моддалари бўлган дори воситаларини бир хилдаги савдо номи остида давлат рўйхатидан ўтказишга йўл кўйилмайди.

Дорихоналарда тайёрланадиган дори воситалари ва тиббий буюмлар давлат рўйхатидан ўтказилмайди.

Дори воситаларини, тиббий буюмларни ва тиббий техникани давлат рўйхатидан ўтказиш натижаларига кўра амал қилиш муддати беш йил бўлган тегишли рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси берилади.

Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасининг амал қилиш муддати рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси эгасининг зарур ҳужжатлар илова қилинган аризасига кўра узайтирилиши мумкин. Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасининг амал қилиш муддати узайтириш тўғрисидаги ариза ушбу гувоҳноманинг амал қилиш муддати тугашидан олдин уч ой ичида берилиши керак. Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасининг амал қилиш муддати узайтириш рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасини бериш учун назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасининг амал қилиш муддати ўтгач дори воситаларини, тиббий буюмларни ва тиббий техникани реализация қилишга ҳамда тиббиёт амалиётида қўллашга, агар улар рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасининг амал қилиши даврида ишлаб чиқарилган бўлса, рухсат этилади.

Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасининг эгаси дори воситасини, тиббий буюмнинг ва тиббий техниканинг хавфсизлигига, сифатига ҳамда самарадорлигига тааллуқли янги маълумотлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигини хабардор қилиши шарт.

13-модда. Фармакологик назорат

Фармакологик назорат дори воситасидан унинг қўлланилишига доир йўриқномага мувофиқ фойдаланилганда одамда кузатиладиган, организм учун беҳосдан ва нохуш таъсир кўрсатадиган ножўя реакцияларни аниқлашга, боҳолашга ва уларнинг олдини олишга қаратилган фаолиятдир.

Даволаш-профилактика муассасалари, дорихоналар ҳамда дори воситаларини ишлаб чиқарувчи, реализация қилувчи ва қўлловчи ташкилотлар дори воситаларининг қўлланилиши чоғида ножўя реакциялар аниқланган барча ҳолатлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигини ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси

Соғлиқни сақлаш вазирлиги дори воситаларининг қўлланилиши чоғида аниқланган ножўя реакцияларга баҳо беради, баҳолаш жараёнида ножўя реакциянинг клиник кўринишлари ва дори воситасининг қўлланилиши ўртасидаги сабаб-оқибат боғланишлари, шунингдек кутилаётган фойданинг дори воситалари қўлланилишининг эҳтимол тутилган хавфига нисбати аниқланади.

Кутилаётган фойданинг дори воситалари қўлланилишининг эҳтимол тутилган хавфига нисбатининг ўзгаришига таъсир этувчи фактлар аниқланган тақдирда ишлаб чиқарувчилар ва уларнинг вакиллари салбий оқибатларни бартараф этишга, одамнинг ҳаётига ёки соғлиғига зарар етказилишининг олдини олишга, бундай дори воситаларининг қўлланилишидан муҳофаза қилишга қаратилган чора-тадбирларни кўриши шарт.

Дори воситаси қўлланилганда дори воситасининг хавфсизлиги ва самарадорлигига доир белгиланган талабларга унинг номувофиқлиги тўғрисидаги далиллар аниқланган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бундай дори воситасини муомаладан чиқариш ёки унинг қўлланилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги масалани кўриб чиқади.

14-модда. Дори воситалари, тиббий буюмлар, тиббий техника тўғрисидаги ахборот ва дори воситаларининг рекламаси

Тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника давлат реестрида, кам учрайдиган касалликларни даволаш учун мўлжалланган Орфан дори воситалари рўйхатида, Рецептсиз бериладиган дори воситалари рўйхатида, Асосий дори воситалари рўйхатида, шунингдек Тиббий буюмлар рўйхатида кўрсатилган ахборот Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

Рецептсиз бериладиган дори воситалари тўғрисидаги ахборот оммавий ахборот воситаларида, шунингдек ихтисослаштирилган босма нашрларда, дори воситаларининг тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаларда берилиши мумкин.

Рецепт бўйича бериладиган дори воситалари тўғрисидаги ва тиббий буюмлар ҳақидаги ахборот фақат тиббиёт ва фармацевтика ходимлари учун мўлжалланган ихтисослаштирилган босма нашрларда, дори воситаларининг ва тиббий буюмларнинг тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаларда берилади.

Дори воситаларининг рекламаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

4-боб. Фармацевтика фаолияти**15-модда. Фармацевтика фаолиятининг йўналишлари**

Фармацевтика фаолиятининг йўналишлари куйидагилардан иборат:

дори воситаларини ва тиббий буюмларни яратиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари;
дори воситаларини ва тиббий буюмларни ишлаб чиқариш;

дори воситаларининг ва тиббий буюмларнинг сифатини назорат қилиш;

дори воситаларини ва тиббий буюмларни улгуржи реализация қилиш;

дори воситаларини ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш;

дори воситаларини ва тиббий буюмларни тайёрлаш;
доривор ўсимлик хом ашёсини қадоқлаш ва улгуржи реализация қилиш.

16-модда. Фармацевтика фаолиятини амалга ошириш

Фармацевтика фаолияти Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган тартибда бериладиган лицензия асосида амалга оширилади.

Фармацевтика фаолиятини амалга ошириш учун лицензия беш йил муддатга берилади. Лицензия фақат лицензия даввогарининг аризасига кўра беш йилдан кам муддатга берилиши мумкин. Лицензиянинг амал қилиш муддати лицензиянинг аризасига кўра узайтирилиши мумкин.

17-модда. Дори воситаларини ва тиббий буюмларни яратиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари

Дори воситаларини ва тиббий буюмларни яратиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари, қоида тариқасида, илмий-тадқиқот ташкилотлари ҳамда дори воситалари ва тиббий буюмлар ишлаб чиқарувчилар томонидан амалга оширилади.

Дори воситаларини яратиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари янги фармакологик воситаларни излашни, кейинчалик уларнинг хоссаларини ўрганишни, фармакологик воситаларнинг ёки дори воситаларининг таркибини ишлаб чиқишни, дори моддаларини (субстанцияларни) ва дори воситаларини ишлаб чиқариш технологияларини ишлаб чиқишни, белгиланган тартибда клиник олди тадқиқотларни ўтказишни, фармакологик воситаларининг ёки дори воситаларининг хавфсизлигига, сифатига ва уларнинг сифатини назорат қилиш усулларига доир талаблар кўрсатилган норматив ҳужжатларни тайёрлашни ўз ичига олади.

(Давоми 6-бетда).

(Давоми. Боши 1-, 4-бетларда).

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ**Дори воситалари ва фармацевтика
фаолияти тўғрисида
(янги таҳрири)**

Тиббий буюмларни яратиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари тиббий буюмларнинг янги турларини излашни, кейинчалик уларнинг техник хусусиятларини ўрганишни, ишлаб чиқариш технологияларини ишлаб чиқишни, тиббий буюмларнинг хавфсизлигига, сифатига ва уларнинг сифатини назорат қилиш усулларига доир талаблар кўрсатилган норматив ҳужжатларни тайёрлашни ўз ичига олади.

18-модда. Дори воситаларини ва тиббий буюмларни ишлаб чиқариш

Дори воситаларини ва тиббий буюмларни ишлаб чиқариш уларни ишлаб чиқаришни ҳамда уларнинг сифатини назорат қилишни ташкил этиш қоидаларига мувофиқ серияли ишлаб чиқаришдан иборат бўлиб, у тўлиқ технологик цикл бўйича ёки унинг алоҳида босқичлари бўйича ишлаб чиқаришни ўз ичига олади.

Қалбакилаштирилган, Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилмаган дори воситаларини ва тиббий буюмларни, шунингдек Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган дори воситаларининг фэйриқонуний нусхаларини ишлаб чиқариш тақиқланади.

Давлат рўйхатидан ўтказиш, экспорт, илмий-тадқиқот ишлари, клиник олди тадқиқотлар ва клиник тадқиқотлар ўтказиш учун мўлжалланган дори воситаларини ва тиббий буюмларни ишлаб чиқариш уларни давлат рўйхатидан ўтказмасдан амалга оширилиши мумкин.

Дори воситаларини ва тиббий буюмларни ишлаб чиқарувчилар дори воситалари ва тиббий буюмларнинг сифатини назорат қилувчи ички идоравий хизматларга эга бўлиши керак.

Дори воситаларини ва тиббий буюмларни тамғалаш ҳамда жойлаш-ўраш қоидалари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади.

19-модда. Дори воситаларини ва тиббий буюмларни улгуржи реализация қилиш

Дори воситаларини ва тиббий буюмларни улгуржи реализация қилиш фармацевтика фаолиятини амалга ошириш учун тегишли лицензияга эга бўлган дори воситалари ва тиббий буюмлар ишлаб чиқарувчилар ҳамда дори воситаларини ва тиббий буюмларни улгуржи реализация қилувчи ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасдиқлаган дори воситаларини ва тиббий буюмларни улгуржи реализация қилиш ҳамда сақлаш қоидалари бўйича амалга оширилади.

(Давоми. Боши
1-, 4-5-бетларда).

Дори воситаларини ва тиббий буюмларни улгуржи реализация қилувчи ташкилотлар дори воситаларини ва тиббий буюмларни дори воситалари ва тиббий буюмлар ишлаб чиқарувчилардан, дори воситаларини ва тиббий буюмларни улгуржи реализация қилувчи бошқа ташкилотлардан, шунингдек дори воситаларини ва тиббий буюмларни чет эллик ишлаб чиқарувчилардан ҳамда улгуржи реализация қилувчи ташкилотлардан харид қилиш ҳуқуқига эга.

Дори воситаларини ва тиббий буюмларни улгуржи реализация қилувчи ташкилотлар дори воситаларини ва тиббий буюмларни фармацевтика фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган ташкилотларга, тиббиёт ташкилотларига, шунингдек дори воситаларидан ва тиббий буюмлардан тиббиётда қўллаш мақсадида ўз эҳтиёжлари учун фойдаланувчи ташкилотларга реализация қилиш ҳуқуқига эга.

Дори воситаларини ва тиббий буюмларни улгуржи реализация қилувчи ташкилотларнинг омборхона мудирлари фармацевтик маълумотга эга бўлиши керак.

Дори воситаларини ва тиббий буюмларни улгуржи реализация қилувчи ташкилотларнинг омборхона мудирлари фармацевтик маълумотга эга бўлиши керак.

Сифатсиз, қалбакилаштирилган, Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилмаган дори воситаларини ва тиббий буюмларни, шунингдек Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган дори воситаларининг фэйриқонуний нусхаларини харид қилиш ҳамда улгуржи реализация қилиш тақиқланади.

Дори воситаларини ва тиббий буюмларни улгуржи реализация қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

20-модда. Дори воситаларини ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш

Дори воситаларини ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш фақат дорихоналар ҳамда уларнинг филиаллари томонидан амалга оширилади.

Дори воситаларини чакана реализация қилиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган шаклдаги рецептлар бўйича ёки тасдиқланган Рецептсиз бериладиган дори воситаларининг рўйхатига кўра рецептсиз амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган ёки дорихоналар томонидан тайёрланган дори воситаларини ва тиббий буюмларни чакана реализация қилишга рухсат берилади.

Сифатсиз, қалбакилаштирилган, Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилмаган дори воситаларини ва тиббий буюм-

ларни, шунингдек Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган дори воситаларининг фэйриқонуний нусхаларини харид қилиш, чакана реализация қилиш ҳамда улардан фойдаланиш тақиқланади.

Дори воситаларини ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда амалга оширилади.

21-модда. Дорихона

Дорихона дори воситаларини ва тиббий буюмларни чакана реализация қилишни, шунингдек уларни тайёрлашни амалга ошириш учун тегишли лицензияга эга бўлган юридик шахс шаклида ёки юридик шахснинг таркибий бўлиниши шаклида ташкил этилиши мумкин. Дорихоналарнинг филиаллари, даволаш-профилактика муассасаларининг дорихоналари ҳам дорихоналар жумласига киради.

Дорихоналар санитария ва гигиена ашёларини, шифобахш озиклантириш маҳсулотларини, маъданли сувларни, шунингдек даволаш-косметика маҳсулотларини, биологик фаол кўшимчаларни реализация қилишни уларнинг қўлланилиши ва реализация қилиниши учун тегишли ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда амалга ошириши мумкин.

Дорихона мудирлари олий фармацевтик маълумотга эга бўлиши керак.

Дорихона филиалининг мудирлари фармацевтик маълумотга эга бўлиши керак.

Дори воситаларини ва тиббий буюмларни тайёрлаш, бериш, реализация қилиш қоидаларига ва уларнинг сифатини таъминловчи сақлаш шароитларига дорихоналар томонидан риоя этилиши керак.

22-модда. Дорихоналарда дори воситаларини ва тиббий буюмларни тайёрлаш

Дори воситалари дорихоналарда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан қўлланилишига рухсат этилган дори моддаларидан (субстанциялардан) тайёрланади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган Тайёрлашга рухсат этилган дори воситалари рўйхатига киритилмаган дори воситаларини тайёрлаш тақиқланади.

Дори воситаларини ва тиббий буюмларни тайёрлаш, шунингдек уларни сақлаш, уларнинг сифатини назорат қилиш ҳамда уларни расмийлаштириш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги белгилайдиган тартибда дорихоналар томонидан амалга оширилади.

23-модда. Дори воситаларини, тиббий буюмларни сақлаш, ташиш ҳамда йўқ қилиб ташлаш

Фармацевтика фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган ташкилотларга, тиббиёт ташкилотларига, шунингдек дори воситаларидан ва тиббий буюмлардан тиббиётда қўллаш мақсадида ўз эҳтиёжлари учун фойдаланувчи ташкилотларга дори воситаларини ва тиббий буюмларни сақлашга рухсат берилади.

Дори воситаларини ва тиббий буюмларни сақлаш ҳамда ташиш уларнинг хавфсизлиги, сифати ва бут сақланиши таъминланадиган шароитларда амалга оширилиши керак.

Сифатсиз, қалбакилаштирилган, Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилмаган дори воситаларини ва тиббий буюмларни, шунингдек Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган дори воситаларининг фэйриқонуний нусхаларини реализация қилиш мақсадида сақлаш, ташиш тақиқланади.

Сифатсиз, қалбакилаштирилган, Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилмаган дори воситалари ва тиббий буюмлар, Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган дори воситаларининг фэйриқонуний нусхалари, шунингдек муомаладаги дори воситалари ва тиббий буюмлар уларнинг инсон соғлигига зарарли таъсирини тасдиқловчи фактлар аниқланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда муомаладан чиқарилиши ва йўқ қилиб ташланиши керак.

Дори воситаларини ва тиббий буюмларни йўқ қилиб ташлаш уларнинг эгалари маблаглари ҳисобидан амалга оширилади.

5-боб. Дори воситаларини ва тиббий буюмларни экспорт ва импорт қилиш, олиб кириш ҳамда олиб чиқиш**24-модда. Дори воситаларини ва тиббий буюмларни экспорт ва импорт қилиш**

Дори воситаларини ва тиббий буюмларни экспорт ва импорт қилиш, шу жумладан илмий-тадқиқот ишлари, клиник олди тадқиқотлар, клиник тадқиқотлар ўтказиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш, кўргазмаларда, ярмаркаларда, халқаро анжуманларда намойиш этиш учун мўлжалланган дори воситаларини ва тиббий буюмларни экспорт ва импорт қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Сифатсиз, қалбакилаштирилган, Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилмаган дори воситаларини ва тиббий буюмларни, шунингдек Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган дори воситаларининг фэйриқонуний нусхаларини импорт қилиш тақиқланади.

Орфан дори воситаларини импорт қилиш давлат рўйхатидан ўтказилмасдан амалга оширилиши мумкин.

25-модда. Дори воситаларини ва тиббий буюмларни жисмоний шахслар томонидан шахсий фойдаланиш учун олиб кириш ҳамда олиб чиқиш

Дори воситаларини ва тиббий буюмларни қуйидаги ҳолларда давлат рўйхатидан ўтказмасдан ҳамда божжона расмийлаштирувисиз олиб кириш ва олиб чиқишга рухсат берилади, агар улар:

мамлакатда бўлиш даврида жисмоний шахслар томонидан шахсий фойдаланиш учун мўлжалланган бўлса;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ҳудудидан ташқарида яшаб турган беморни даволаш-профилактика муассасаси томонидан тасдиқланган тиббий кўрсатма асосида, даволаш курси доирасида даволаш учун мўлжалланган бўлса; дипломатик ваколатхоналарнинг ва уларга тенглаштирилган ваколатхоналарнинг дипломатик ҳамда маъмурий-техник ходимлари, шу жумладан улар билан бирга яшаб турган оила аъзоларининг шахсий фойдаланиши учун мўлжалланган бўлса;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кириб келаётган ёки унинг ҳудудидан чиқиб кетаётган транспорт воситасининг йўловчиларига биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун мўлжалланган ва тиббий дорилар қўтичаси таркибига киритилган бўлса.

Халқаро илмий, маданий, спорт тадбирларининг иштирокчиларини ҳамда халқаро экспедицияларнинг иштирокчиларини даволаш учун мўлжалланган дори воситаларини ва тиббий буюмларни олиб кириш ҳамда олиб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда амалга оширилади.

6-боб. Якунловчи қоидалар**26-модда. Низоларни ҳал этиш**

Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

27-модда. Дори воситаларини ва фармацевтика фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Информация для врача и пациента

ПОВЫШЕНИЕ МЕДИЦИНСКОЙ КУЛЬТУРЫ — ПРИОРИТЕТНАЯ ЗАДАЧА «ГОДА ЗДОРОВОЙ МАТЕРИ И РЕБЕНКА»

По предложению Президента Ислама Каримова 2016 год в Узбекистане объявлен "Годом здоровой матери и ребенка". В своем докладе на торжественном собрании посвященном 23-й годовщине Конституции страны, глава государства, описывая вопросы, которые должны быть учтены в разработке Государственной программы следующего года, отметил особо, что серьезное внимание следует уделить повышению медицинской культуры населения, усилению работы в сфере санитарии и гигиены, охране здоровья беременных женщин, соответствующему уходу за молодыми матерями и детьми, обеспечению качества и калорийности рациона.

За последние несколько лет значительно улучшились условия жизни людей, но вместе с тем уменьшились и физические нагрузки при повышении эмоциональной напряженности труда, которые в последствии создали во многих странах мира условия для распространения факторов риска — курение, употребление алкоголя, несбалансированное питание, стрессовые ситуации, постоянное психоэмоциональное напряжение, гиподинамия, плохие материально-бытовые условия, употребление наркотиков, неблагоприятный психологический климат в семье, низкий культурный и образовательный уровень, низкая медицинская культура.

Эти факторы риска являются основными причинами возникновения многих заболеваний среди населения. Некоторые исследователи эти заболевания называют также болезнями цивилизации. К ним относятся сердечно-сосудистые заболевания (ИБС, гипертоническая болезнь), онкологические (рак молочной железы, прямой кишки), психические (различные виды расстройств), эндокринные (сахарный диабет), метаболические (нарушение обмена веществ, ожирение), болезни пищеварительной системы (гастрит, язва), а также заболевания дыхательной системы.

Опыт работы показывает, что иногда чрезвычайно трудно бывает убедить человека отказаться от привычного образа жизни, выработанного в течение многих лет распорядка дня (вернее, его отсутствие).

Здоровый образ жизни — это деятельность, наиболее характерная, типичная для конкретных социально-экономических, политических, экологических и прочих условий, направленная на сохранение, улучшение, укрепление здоровья людей.

Такое определение может показаться аналогичным понятию "здоровоохранение", которое чаще всего квалифицируется как система общественных и государственных мер по охране и укреплению здоровья населения (профилактике, лечению, реабилитации). Действительно, основания для такого заключения есть, так как здравоохранение — это деятельность государственных, общественных учреждений, органов и организаций по обеспечению условий для охраны и укрепления здоровья

населения (в том числе, материально-технической базы, кадров, научных исследований), а также сама деятельность учреждений, службы здравоохранения по охране и улучшению здоровья населения.

Изменение образа жизни требует серьезных волевых усилий человека. Но обучение и самовоспитание здесь необходимо, так как его результатом является сохранение здоровья.

Правильный образ жизни, высокая медицинская культура всего населения, соблюдение всех норм поведения в обществе — это основной путь не только сохранения здоровья, но и повышения производительности труда.

Часто работники здравоохранения употребляют такое словосочетание, как медицинская культура. Однако немногие из простых людей знают, что это такое.

Так что же такое медицинская культура в современных условиях?

Медицинская культура относительно новое понятие, которое сформировалось в связи с развитием медицинской науки и увеличением возможностей как лечебного, так и профилактического воздействия на пациента. Медицинская культура — это санитарная (медицинская) грамотность, гигиенические и антигигиенические привычки, обращаемость в медицинские учреждения за советами, в том числе профилактическими, выполнение медицинских рекомендаций. Не секрет, что иногда сбережение здоровья до глубокой старости не является одной из главных жизненных задач современного человека.

Кто должен заниматься повышением медицинской культуры среди населения?

Повышением медицинской культуры среди населения должны заниматься врачи всех специальностей, особенно врачи общей практики (семейные врачи), специалисты Института здоровья и медицинской статистики и его филиалов, медицинские сестры, патронажные медсестры, преподаватели, работники детских дошкольных учреждений, сотрудники средств массовой информации, а также общественные организации — сотрудники "Комитета женщин Узбекистана", общественного движения молодежи "Камолот", Республиканского общественного благотворительного фонда "Махалля". Межсекторальное сотрудничество является одним из недостатков используемых потенциалов для повышения медицинской культуры среди населения. В этой свя-

зи, Институт здоровья и медицинской статистики в рамках инновационного гранта ИЗ-2014-0915172705 начал подготовку и обучение общественных тренеров среди специалистов общественных организаций (Рис.1,2).

Чему надо обучать, чтобы повысить уровень медицинской культуры?

Медицинские работники и общественные тренеры могут воздействовать на изменение обычного образа жизни населения. Очень важным является научить каждого человека, чтобы он ежегодно проходил обследование, посещая врача общей практики (семейного врача), гинеколога (для женщин) и проходил профилактическую флюорографию (кроме беременных).

Следует также ежегодно бывать и у стоматолога. Из инструментальных исследований рекомендуется ЭКГ, сдача общих анализов мочи, крови, а также крови на сахар и холестерин — каждый год после 40 лет. Рекомендуется женщинам после 40, всем, без исключения, с профилактической целью проходить маммографическое обследование — 1 раз в 2 года. Если у женщины — мать, сестра или дочь болели раком груди, это автоматически повышает риск возникновения данного заболевания и возможно, ежегодную маммографию ей следует начать раньше, чем после 40 лет. Мужчинам проведение исследования предстательной железы, особенно после 40 лет, следует проводить при появлении симптомов в затруднении мочеиспускания. Всем, кто старше 50-ти лет, нужно рекомендовать скрининг на колоректальный рак. И это должен быть обязательно количественный иммунохимический тест на скрытую кровь в кале. Для профилактики рака кожи стоит проверяться ежегодно — раз в год приходиться к дерматологу, чтобы он осматривал родинки на всей поверхности тела. Обучение физической активности и правильному питанию (в том числе грудного вскармливания), повышение количества клетчатки в пищевом рационе, которые способствуют обеспечению хорошего здоровья. Необходимо отказаться от курения, потому что оно негативно воздействует на легкие и сосуды, следить за тем, чтобы не курить в присутствии детей, поскольку, так называемое, пассивное курение также очень опасно. Следить за артериальным кровяным давлением, в норме оно не должно превышать 140/90. Важным также является проведение теста на остеопороз, особенно у женщин находящихся в постменопаузе. В последнее время ученые рекомендуют обратить внимание на психическое здоровье населения. Обратить внимание на стрессы, изменение режима сна, менструального цикла, а также запоров. Медицинская генетика, также влияет на образ жизни. Гены, являясь носителями информации, определяют многие наши параметры: внешность, рост, черты характера, здоровье и т.д. Они являются предрасполагающими факторами возникновения сердечно-сосудистых заболеваний, астмы, и некоторых форм



Рисунок 1. Проведение обучения традиционным методом. Обучение проводится как традиционным, так и дистанционным методом на сайте: <http://mt.sixat-salamatlik.uz>.



Рисунок 2. Проведение обучения дистанционным методом.

рака. Инфекционные заболевания, такие как, гепатит В и С могут быть причиной воспаления печени, они распространяются через кровь, поэтому нельзя использовать чужие средства бритья, зубные щетки, полотенца, то есть необходимо строго соблюдать личную гигиену.

Что делать, если выявлены отклонения в здоровье?

Выявленные отклонения в анализах или исследованиях практически никогда не позволяют сразу установить диагноз, а тем более назначить лечение. Это сделает врач общей практики (семейный врач) после специального осмотра и дополнительных исследований.

К кому идти в первую очередь?

При многих заболеваниях лечение проводят также и врачи-специалисты узкого профиля. В основном они ведут прием по направлениям от врачей общей практики, но больные могут обратиться к ним и самостоятельно. Врач-специалист в отличие от врача общей практики организует квалифицированную помощь по профилю своего заболевания. Он также может рекомендовать обратиться к другим врачам. Но наблюдение за больным в целом по всем болезням не входит в его обязанности. Это дело врача общей практики. Они же совместно с медсестрами организуют проведение прививок и профилактических обследований.

Как и кого принимают в семейной поликлинике и в сельских врачебных пунктах?

До 90% больных начинают и заканчивают лечение в первичном звене, то есть в условиях

семейной поликлиники или сельских врачебных пунктов. Здесь приходящие пациенты принимаются согласно установленному графику приема врачей. К узким специалистам организована предварительная запись.

Почему требуют направления на анализы?

Все анализы и обследования назначаются только врачами. Анализы выбираются с учетом заболевания с целью диагностики и лечения, что сам больной никак сделать не может и не имеет на это право. Анализы, за исключением экстренных, выполняются в семейных поликлиниках и сельских врачебных пунктах, а результаты обычно выдаются на следующий день.

Когда и при каких условиях можно лечь в стационар?

В стационар больные направляются только при наличии показаний к стационарному лечению и в строгом соответствии с профилем стационара. До поступления в стационар больной должен быть максимально обследован в семейной поликлинике, в т. ч. и у узких специалистов. Только с заключением врача общей практики (семейного врача) он направляется на плановую госпитализацию.

В стационар плановых больных оформляют в первой половине дня в рабочее время врачей стационара.

З. АБДУРАХИМОВ,
к.м.н.,
заведующий отделом
Института здоровья и
медицинской
статистики.



– Эртақ қаҳрамонлари билан эсдалик учун суратга тушиш жуда завқлида!

Эътироф

Бахтимизга омон бўлинг

Бугунги кунда қайси бир тиббиёт муассасасида бўлмайдик, у ердаги мавжуд шароитлар, шунингдек, шифокору ҳамшираларнинг меҳрибон ва ширинсўзликлари беморлар кўнглини кўтариб, тезда шифо толиб кетишларига ёрдам беради. Шу жумладан, пойтахтимиздаги бир қанча шифо масканларида фидойиларча меҳнат қилаётган тиббиёт ходимлари хизмати эътирофга лойиқдир. Бир неча йиллардан буён соғлигимни тиклаш мақсадида Тошкент шаҳридаги 7-шифохонада даво муолажаларини олган бўлсам, Учтепа туманидаги 22-оилавий поликлиникада шифокорлар назоратида бўлдим. Мазкур тиббиёт муассасаларида даволанишим учун ўз маслаҳат ва тавсияларини берган Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси ходими Фаина Зиганшина ҳамда Юнусобод туман тиббиёт бирлашмаси бўлими бошлиғи Муқаддас Умаровлардан, шунингдек, Тошкент шаҳар 7-шифохона раҳбари Акмал Йўлдошев, тажрибали шифокорлар Дилфуза Мирқоилова, Сайёра Салишева, ҳамширалар Лазиза Мирқоилова, Лобар Тошхўжаева, Хилола Умарова ва Учтепа туман 22-оилавий поликлиника шифокори Шоира Олимжоноваларнинг кўрсатган сифатли тиббий хизматларидан гоят мамнунман. Юртимизда ана шундай қалби пок, ўз касбининг устаси бўлган шифокорларнинг борлиги бу – бизнинг бахтимиз. Аввало, халқимиз саломатлигини асраш йўлида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиб келаётган Президентимиз ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига чин дилдан ташаккур билдираман. Юқорида номлари тилга олинган жонқуяр тиббиёт ходимларини 2016 йил билан табриклаб, уларга мустаҳкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик тилаб қоламан.

Шухрат МУХАМЕДОВ,
Тошкент шаҳри.

Кейинги йилларда давлатимиз томонидан аҳоли саломатлигини асраш борасида диққатга сазовор ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, шифохоналардаги саранжом-саришталик, замонавий тиббий аппаратларнинг мавжудлиги бу истиқлолимиз шарофати бўлиб, шифокорларнинг илиқ муомаласи, ҳамшираларнинг меҳрибонлигидан беморларнинг боши кўкка етмоқда. Жумладан, Тошкент тиббиёт академияси 1-клиникасига қарашли гастроэнтерология бўлимида фаолият юритаётган тиббиёт ходимлари меҳнатидан барча мамнун бўлмоқда. Биз ҳам айни кунда ушбу бўлимда даво муолажаларини олмоқдамиз. Айниқса, даволовчи врачимиз Санжар Ҳасанов ҳамда бири-биридан чақон ҳамширалар – Муҳаббат Холмуродова, Мадина Рўзимова, Зиёда Тўқлиеваларнинг беморларга кўрсатаётган ёрдамларидан миннатдор бўлмоқдамиз. Ушбу бўлим раҳбари Абдуҷамол Ёқубов ҳамда саломатлигимизни тиклашда ўз хизматларини аямаган шифокор ва ҳамшираларга чексиз ҳурматимизни изҳор этиб, уларга соғлиқ-омонлик, ишларида муваффақиятлар ҳамроҳ бўлсин.

Вазира МУХАМЕДОВА,
Эркин ШАРИФХЎЖАЕВ,
Тошкент шаҳри.

Дил изҳори

ҚАЛБ СЎЗЛАРИМ СИЗЛАРГА!

Президентимиз томонидан инсон саломатлигини сақлашга қаратилаётган эътибор ва ғамхўрликдан миннатдорман. Айниқса, пойтахтимиздаги шифо масканларининг замонавийлиги, беморлар учун яратилган шароит ва имкониятлар, шунингдек, тиббиёт ходимларининг ҳушмуомалалиги касалликдан тезда фориғ бўлишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Жумладан, Тошкент шаҳридаги 5-клиник шифохона жамоаси ана шундай тиббиёт муассасаларидан биридир. Кўп йиллардан буён соғлигимни тиклаш мақсадида ушбу шифохонада даволаниб кела-



соғайиб, оилам бағрига қайтишимда бош шифокор муовини Феруза Қосимова, даволовчи врачим Ольга Ким, шунингдек, шифокорлардан А. Маликов, К. Ахоров, терапия бўлими мудири Т. Очилов, ҳамширалардан И. Коваева, М. Қобилова, Л. Ақромхўжаева, Г. Муродова, Г. Абдуҷабборова, Г. Ортиқова, кичик тиббиёт ходимларидан М. Зияева, М. Назарова, Д. Усмонова, О. Султонова, Г. Шанисова, М. Қосимовалар, бош ошпаз А. Холдор, диетолог-ҳамшира С. Хушвақтова, М. Ахророва, физио-

ман. У ердаги озодлик, саранжом-саришталик, ходимларнинг меҳрибонлиги, ўз касбига бўлган садоқати ҳар бир бемор дарддан тезда фориғ бўлишида катта аҳамият касб этмоқда. Муассасанинг қайси бўлими ёки хонасига кирманг, ходимларнинг батартиб ишлаётганини кузатасиз. Иш столи, фойдаланиладиган буюм ва воситалар тоза-озода. Иш қоғозлари тўғри юритилади.

Бош шифокор Гулнора Кенжаева ўзининг ишбилармонлиги, ташаббускорлиги ҳамда талабчанлиги билан даволанувчилар ва жамоаси орасида хурматга сазовордир. Менинг



терапия бўлими бошлиғи З. Жамилова, ҳамшира М. Эргашева, уқаловчи-ҳамшира М. Кузинова, жисмоний фаолиқни тикловчи ҳамшира Е. Суқориларнинг хизматлари беқиёсдир. Шифохона бош шифокори Гулнора Кенжаева ва унинг аҳил жамоасига ўз ташаккуримни билдириб, уларни қириб келган Соғлом она ва бола йили билан самимий қутлаб, масъулиятли фаолиятларига зафарлар тилаб қоламан.

И. ПЯГАЙ,
I гуруҳ ногирони,
Тошкент шаҳри.
Суратлар муаллифи
Ибодат СОАТОВА.

Газета
муассиси:
Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги

Бош муҳаррир **Асилбек ХУДАЯРОВ**
Нашр учун масъул:
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «i» шартли белгиси қўйилади.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри,
Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот
агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни
рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят
компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Адади 6112 нусха.
Буюртма Г-158.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.
Саҳифаловчи **Бахтиёр ҚЎШОҚОВ.**

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.

